

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НИЗОМОВА МАХСУДА УСМОНКУЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ГИДРОПОНИКА УСУЛИ БИЛАН ПОМИДОР
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (Ph.D) doctoral dissertation of agricultural sciences

Низомова Махсуда Усмонкуловна

Ўзбекистон шароитида гидропоника усули билан помидор етиштириш
технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Низомова Махсуда Усмонкуловна

Разработка технологии выращивания томата методом гидропоники в условиях
Узбекистана.....23

Nizomova Maxsuda Usmankulovna

Development of the tomato production technology using a method hydroponics in conditions of
Uzbekistan.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....47

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НИЗОМОВА МАХСУДА УСМОНКУЛОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ГИДРОПОНИКА УСУЛИ БИЛАН ПОМИДОР
ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2017

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (Ph.D) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.Ph.D/Qx9 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.cottonagro.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziynet.uz [манзилига](#) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Акмал Садирдинович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Исаев Собиржон Хусанбоевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Ниязалиев Бегали Ирисолиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалик институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекция, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг “_____” _____ 2017 йил соат____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail:g/selek@qsxv.uz

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Оққовоқ қ.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2017 йил “___” _____да тарқатилди.
(2017 йил “_____” _____даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж.Тешаев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий семинар раиси, б.ф.д., катта илмий ходим.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё бўйича энг оммабоп сабзаёт экин бўлган помидор 3,0 млн. гектар майдонда экиб келинмоқда ва унинг ўртача ҳосилдорлиги очик майдонларда етиштирилганда гектарига 90-100 тонна, иссиқхоналарда 180-200 тонна, гидропоника шароитида эса 250-350 тоннани ташкил этади¹. Дунё аҳолисини йил давомида узлуксиз сархил помидор маҳсулоти билан таъминлашда очик майдонларда помидор етиштириш билан бирга замонавий, тўлиқ автоматлаштирилган, махсус компьютер дастурлари асосида бошқариладиган иссиқхоналарда гидропоника усулида етиштириш кенг йўлга қўйилмоқда.

Дунёда Хитой, Голландия, Туркия, Жанубий Корея ва Исроил каби мамлакатларда сабзаёт экинлари гидропоника усулида тупроқсиз, махсус жиҳозланган шароитда сувда эритилган озика моддалари билан етиштириш кенг йўлга қўйилган. Бундай шароитда ўсимликлар учун зарур бўлган барча омиллар, жумладан, мўътадил ҳаво ҳарорати, намлиги, иссиқлик, ёруғлик, карбонат ангидрид, тоза сув, макро ва микро озика элементлари билан таъминлаш сунъий равишда вужудга келтирилади. Натижада ўсимликларда фотосинтез жараёни фаоллашади ва кўплаб органик моддалар тўпланиб, жадал ўсиб-ривожланиши ва мўл ҳосил олиш таъминланади. Иссиқхоналарда гидропоника усулида сабзаётлар етиштиришда минерал ўғитлар, турли препаратларни, томчилатиб суғориш ускуналари, шунингдек гидропоникада қўлланиладиган материалларни қўллаш самарадорлиги борасидаги тадқиқотлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда кейинги йилларда сабзаёт экинлари ичида энг кўп истеъмол қилинадиган помидор етиштиришни кўпайтириш ва аҳолини ушбу маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида очик ва иссиқхона шароитида помидор ўстириш технологияси такомиллаштирилиб, юқори ва сифатли помидор ҳосили олишга эришилди. Шу билан биргаликда, сув ва ресурстежовчи, экологик тоза гидропоника усули билан помидор етиштириш технологиясини такомиллаштириш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, экологик тоза мева-сабзаёт ва узум етиштиришни кўпайтириш» муҳим стратегик вазибаларидан бири қилиб белгилаб берилган. Бу борада намунавий иссиқхоналарда гидропоника усулида сабзаёт экинлари, жумладан помидор етиштириш учун маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, препаратларини қўллаш, томчилатиб суғоришнинг самарадорлиги бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

¹ <http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2011 йил 24 ноябрдаги ПҚ-1647-сонли «Ўзбекистонда пилот иссиқхоналарни яратиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гидропоника усули билан сабзавот экинларини етиштириш бўйича дастлабки илмий изланишлар АҚШнинг Колифорния университети профессори У.Герике томонидан олиб борилган. Кейинчалик ушбу йўналишда К.А.Тимирязов, Д.Н.Прянищников, В.А.Чесноков, Е.Н.Базирина, Э.А.Алиев ва республикада М.А.Белоусов, Н.Н.Балашев, Г.О.Земан, И.В.Зуев ва Б.М.Исаев каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-9-121-2015 «Гидропоника иссиқхоналари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқилган минерал ўғитлар, препаратлар ва материаллар асосида помидор етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гидропоника усули билан помидор етиштиришда маҳаллий саноатда ишлаб чиқирилаётган минерал ўғитлар ва гидропоника материалларини танлаш ҳамда улар асосида помидор етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гидропоника шароитида макро ва микро ўғитларнинг помидор етиштириш учун асосий ва ишчи эритмалари таркиби ҳамда нисбатини ишлаб чиқиш;

гидропоника материалларини таҳлил қилиш ва уларни анъанавий усулга нисбатан қиёсий ўрганиш;

гидропоника усули билан помидор етиштиришда минерал ўғитлар билан озиқлантириш ва томчилатиб суғоришнинг мақбул муддати ва меъёрларини аниқлаш;

ишчи эритмалари ва гидропоника материалларини помидорнинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

гидропоника шароитида етиштирилган помидорни ўсув фазаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент давлат аграр университетининг намунавий иссиқхонаси, республикада ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар, томчилатиб суғориш усули ва гидропоникага мос помидорнинг «Rofita» F-1 дурагайи олинган.

Тадқиқотнинг предмети намунавий иссиқхоналарда гидропоника усули билан республикада ишлаб чиқарилган минерал ўғитлар ва гидропоника материаллари ҳамда томчилатиб суғориш усули асосида помидор етиштириш технологияси бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар гидропоника иссиқхоналарида ва лаборатория шароитида олиб борилган бўлиб, Жанубий Корея Республикасида помидорни гидропоника усули билан етиштириш бўйича қабул қилинган услублардан ҳамда «Методика вегетационных опытов с хлопчатником» ва Сабзавот-полиэ экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган услублардан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуги ёрдамида математик-статистик таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гидропоника усулида помидорни минерал озика моддаларига бўлган физиологик талабидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган (кальций нитрат, калий сульфат, карбомид, магний сульфат, аммофос) ўғитларидан асосий ва ишчи эритмалар тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган;

иссиқхона шароитида гидропоника усули билан помидор етиштириш учун маҳаллий прелит толаси ва опилка+гўнг аралашмасидан тайёрланган гидропоника материаллари танланган ҳамда уларнинг мақбул намлиги, ҳарорати ES, pH кўрсаткичлари аниқланган;

томчилатиб суғориш усули билан гидропоника шароитида етиштирилган помидорнинг мақбул суғориш сони, муддатлари, мавсумий ва нисбий сув сарфи ҳамда гидропоника материалларидан чиқадиган оқова сув меъёрлари аниқланган;

гидропоника шароитида қўлланиладиган томчилатиб суғориш тизимининг автоматлаштириш модели яратилган;

гидропоника усули билан помидор етиштиришда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлардан асосий эритма тайёрлаш учун, ўғитларни сувда эрувчанлигига ва ўзаро реакцияга киришиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда 3 қисмга бўлиб, уларни алоҳида 100 л. сувда эритиш, бунда А бочкага CaNO_3 ўғитидан 90 кг, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ (карбомид) ўғитидан 7 кг, темирдан (Fe) 700 гр солиш, Б бочкага MgSO_4 ўғитидан 45 кг, KSO_4 ўғитидан 70 кг, $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ (аммофос) ўғитидан 15 кг, микро ўғитлардан – бор 150 г, рух 150 г, мис 20 г, марганец 171 г, С бочкага эса нитрат кислота (HNO_3) дан 7,5-8 л. солиш

меъёри (эритмани NO_3 билан бойитиш ва рН ни тўғирлаш учун) аниқланди. Асосий эритмани ишчи эритмага ўтказиш учун сув билан 1:10 нисбатда аралаштириш ҳосил бўлган ишчи эритма концентрацияси ES бўйича 2,40-2,70, рН бўйича 5,5-6,5 дан ошмаслиги ҳамда гидропоника материали сифатида прелит толаси ёки опилка+гўнг (50x50) аралашмасини плёнкага ўралган ҳолда фойдаланиш юқори самара берди.

Гидропоника шароитида етиштирилган помидорни мавсум давомидаги ўртача кунлик суғоришлар сони 4-7 мартани, мавсумий суғориш меъёри 3829 м³/га, ҳар бир ўсимлик учун сарфланган кунлик сув миқдори ўртача 0,350-0,425 литр меъёрда белгиланди.

Гидропоника шароитида ўстирилган помидорнинг гуллаш фазасида бериладиган ишчи эритманинг концентрацияси ES бўйича 1,7-1,8 dm/m, рН 6,0, гуллаш-мева туғиш ва пишиш даврларида 2,5 dm/m, рН 6,0 бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усуллари билан фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажрибалар натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш соҳасидаги илмий ишларда кенг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий конференцияларда қилинган муҳокамалар натижаларининг ишончилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минерал ўғитлардан асосий ва ишчи эритмалар тайёрлаш усуллари ва меъёрлари, гидропоника шароитида помидор етиштиришда томчилатиб суғориш усули қўлланилганда мақбул суғориш сони, муддатлари ва меъёрлари, оқова сув миқдорларини белгилашнинг назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти намунавий иссиқхоналарда гидропоника усули билан помидор етиштиришда маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган CaNO_3 , KSO_3 , MgSO_4 , HNO_3 , $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ (аммофос) ва $\text{Co}(\text{NH}_2)_2$ (карбомид) ўғитларидан ва прелит толаси ёки опилка+гўнг аралашмаси гидропоника материалларидан полиэтилен плёнкага ўралган ҳолда фойдаланиш юқори самара берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гидропоника усули билан помидор етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

иссиқхоналарда помидорни гидропоника усули билан етиштиришда «Гидропоника усулида помидор етиштириш технологияси» бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 02/20-379-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянома

республикамизда намунавий лойиҳалар асосида ташкил этилган гидропоника иссиқхоналарида қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

гидропоника усулида помидор етиштиришда маҳаллий саноатда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлардан кальций нитрат, магний сульфат, нитрат кислотаси (суюқ ўғит), аммофос ва карбомидлар билан томчилатиб суғориш тизимида сувда эриган ҳолда озиклантириш технологияси Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги «Гидропоника маркази»да 0,5 гектар ҳамда Юқори чирчиқ туманидаги «Агроинновация» давлат унитар корхонаси гидропоника иссиқхонасида 0,5 гектар, жами 1,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 10 ноябрдаги 02/20-379-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу маҳаллий минерал ўғитлар гидропоника шароитида помидор етиштиришда умумий ўғитлар сарфининг 60 фоизини ташкил этган, четдан келтириладиган ўғитлар миқдори камайиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари 20-25 фоизгача тежалган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Лаборатория ва вегетатив тажрибалар ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган, ҳисоботлар кафедралараро илмий кенгашда ва университетнинг илмий-услубий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро анжуманларда 3 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами **12 та** илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та маҳаллий ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган илмий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларни илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Гидропоника усулида помидор етиштириш бўйича изланишлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида гидропоника усулини қўллаш бўйича ривожланган мамлакатларда, жумладан Жанубий Корея, Исроил, Голландия, Германия, Россия ва бошқа

мамлакатлар олимлари томонидан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган, жумладан гидропоника учун қўлланиладиган макро ва микро ўғит турлари ва меъёрлари, асосий ва ишчи эритмалар тайёрлаш усуллари, сув ва минерал ўғитлар аралашмаларининг гидропоника шароитида экинларга етказиб бериш усулларида иборат. Ишчи эритмаларни ўсимликка етказиб беришда томчилатиб суғориш усулининг аҳамияти, гидропоника шароитида сувли ишчи эритмани томчилатиб суғориш усули билан етказиб беришдаги экинларни суғориш тартиблари (суғориш сони, муддатлари ва меъёрлари) келтирилган. Гидропоника шароитида етиштириладиган помидорнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ёритилган. Ушбу бўлимнинг сўнгги саҳифасида мавзу бўйича олиб борилган изланишлар натижаларида гидропоника шароитида томчилатиб суғориш усули ёрдамида ишчи эритмани етказиб бериш элементлари, гидропоника материаллари ва ўсимликларни суғориш тартиблари бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлиги ва тадқиқотлар олиб бориш кераклиги тўғрисида хулосалар баён этилган, ҳамда гидропоника усули билан помидор етиштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги кўзда тутилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказилган жой ва иссиқхонанинг иқлим-шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Тадқиқотлар 2015-2017 йилларда тасдиқланган дастур асосида Тошкент давлат аграр университетининг гидропоника иссиқхонасида олиб борилганлиги диссертация матнида баён қилинган. Тадқиқотлар олиб борилган гидропоника иссиқхонасининг шароитлари, жумладан иссиқхонанинг харорати, нисбий намлиги ва очиқ шароитдаги кўрсаткичлар шу иссиқхонага ўрнатилган махсус кузатув асбоблари ёрдамида амалга оширилди. Умуман, тажриба ўтказилган йилларда гидропоника иссиқхонасида куз, қиш ва баҳор ойларида помидорнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги учун қулай хаво харорати ва намлиги яратилди.

Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар вегетация ва лаборатория усуллари бўйича амалга оширилди.

Тажрибада қуйидаги илмий тадқиқотлар олиб борилди.

Асосий эритма тайёрлаш. Бунинг учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган макро ўғитлардан CaNO_3 , MgSO_4 , $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ (аммофос), $\text{Co}(\text{NH}_2)_2$ (карбомид), KSO_4 ва HNO_3 , микро ўғитлардан (четдан келтирилган) H_3BO_2 (бор), ZnSO_4 (пух), CuSO_4 (мис), Fe (темир), MnSO_4 (марганец) лардан фойдаланилди.

Минерал ўғитларни сувда эрувчанлигини аниқлаш. Бунда ҳар бир ўғитдан 100 г. дан ўлчаб олинди ва 1 л. ҳажмдаги идишларга солиниб, уларнинг ҳар бирига сув ҳарорати 20, 30, 40, 50 °C бўлган сув солиниб аралаштирилиб турилди (30 дақиқа давомида) ва эритма 2 соат давомида тиндирилади, ҳосил бўлган чўкма миқдори хона хароратида қуритилиб, унинг массаси аниқланади.

Асосий ва ишчи эритмалар ҳамда оқова сув эритмасининг ES ва pH муҳитини аниқлаш. Бунинг учун тараққий этган мамлакатларда гидропоникада кенг қўлланиладиган HI-9811-5N маркали универсал электрокондуктометрдан фойдаланилди (ES, pH, t_0C кўрсаткичларини аниқлаш учун мўлжалланган).

Асосий эритма тайёрлашда ўғитларнинг сувда эрувчанлиги ва чўкма ҳосил қилмайдиган, бир-бири билан ўзаро мос бўлган ўғитлар 3 гуруҳга бўлинди.

А бочка- сувда осон эрийдиган ва миқдори кўп талаб қилинадиган ўғитлар $CaNO_3$, $Co(NH_2)_2$ (карбомид) ҳамда Fe.

Б бочка- $MgSO_4$, KSO_4 , $NH_4H_2PO_4$ (аммофос), H_3BO_2 , $ZnSO_4$, $CuSO_4$.

С бочка- суюқ ўғитлар HNO_3 ҳар бир идиш 10 л сиғимга эга.

Юқорида келтирилган ҳар бир идишдаги асосий эритманинг ES, pH кўрсаткичлари тайёрлаш давомида аниқлаб борилади.

Ишчи эритма тайёрлаш усули. Бунинг учун 100 л. сиғимли бочкага 50 л. сув солиниб, унга А ва Б идишлардаги асосий эритмалардан 1:10 нисбатгача солиниб, ҳосил бўлган эритманинг ES кўрсаткичи 1,85, 2,0, 2,50, 2,85 (помидорнинг ўсув фазаларига боғлиқ ҳолда) бўлгунча аралаштириб солинди. Ишчи эритманинг pH миқдорини ростлаш учун HNO_3 суюқ нитрат кислотасидан фойдаланилди.

Помидор учун pH 6,0-6,5 дан ошмаслиги керак.

Томчилатиб суғоришда помидорни суғориш тартибларини (суғориш сони, муддатлари ва меъёрлари) ни аниқлаш. Бунинг учун иссиқхона шароитида етиштириладиган помидорни сувга бўлган талаби О.В.Ильин ифодаси бўйича аниқланди. Кунлик амалий сув сарфи ўлчов идишлари ёрдамида аниқланиб, томчилатиб суғориш бочкасига солинди.

Томчилатгичлардан тушаётган ишчи эритма концентрациясини ва сув сарфини аниқлаш учун тажрибанинг ҳар бир варианты такрорланишлар бўйича 3 тадан томчилатгичлар остига 1 л. ўлчов цилиндири жойлаштирилди ва аниқлаш ишлари олиб борилди. Тажрибада помидорни суғориш муддатларини белгилаш учун гидропоника материалларидаги намликнинг суғоришлардан олдинги минерал миқдори 70 %, суғоришлардан кейинги максимал миқдори 90 % (материалларнинг тўлиқ нам сиғимига нисбатан) қилиб олинди.

Гидропоника материалларининг ES, pH, t_0C , W (намлиги) кўрсаткичларини аниқлаш. Бунинг учун ҳар бир гидропоника материалларининг юқорида келтирилган кўрсаткичларини аниқлашда Жанубий Кореяда ишлаб чиқилган “WET” маркали прибордан фойдаланилди.

Оқова сув эритмаси ҳажми ва унинг ES, pH кўрсаткичларини аниқлаш учун гидропоника материалларидан чиқадиган туйнук остига 1 л ўлчов цилиндрлари қўйилди ва чиққан оқова сув миқдори аниқланди.

Фенологик кузатишлар:

Гидропоника шароитида ўсимликни ўсув фазаларини ўташ муддатларини (гуллашгача, гуллаш ва мева тугиш, пишиб етилиш) ҳамда

умумий ўсув даврининг давомийлигини ўрганиш. Барча вариантлар ва такрорланишларда ўсув фазаларини бошланиш муддатини аниқлаш йўли билан амалга оширилди.

Поя узунлигини ва шодалар сонини аниқлаш. Бутун ўсув даври давомида ҳар ойнинг 1 чи кунда ўлчаб ва санаб аниқланди (IX-V).

Шодалар сонини аниқлаш. Шодалар вужудга келгандан бошлаб, ўсув даври охиригача аниқланади.

Помидор ҳосилдорлигини аниқлаш. Ҳар бир вариантлар ва такрорланишлардаги тўлиқ пишиб етилган помидорлар териб олинди ва тарозида ўлчанди.

Аниқланган ҳосилдорлик математик-статистик таҳлилида Б.А.Доспехов усулидан фойдаланилди.


Диссертациянинг **“Намунавий иссиқхона шароитидаги ҳарорат ва нисбий намлик кўрсаткичлари”** деб номланувчи учинчи бобда гидропоника усулидаги иссиқхона шароитларида помидорни ўсиш ва ривожланишига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш мақсадида иссиқхона ҳарорати ва нисбий намлиги ҳамда ташқаридаги ҳаво ҳарорати 2015-2017 йил ўсув даври давомида ҳар куни бир вақтда яъни эрталаб соат 8:00 да ва 14:00 да иссиқхона ичида ва ташқарига ўрнатилган термометрлар билан аниқлаб борилди.

Тошкент шароитида куннинг узунлигини аниқлашда “Ўзгосмет” маълумотларидан фойдаланилди. Олинган маълумотларнинг кўрсатишича йил давомидаги энг қисқа кун (январь 9:10 соат, декабрь 9:24 соат, февраль 9:59 соат) ойларида бўлди, аксинча энг узоқ кунлар эса июль 15:07 соат, август 15:04 соат ва июнь 14:53 соат) ойларида тўғри келди, ёки ўртача ўсув даврида (апрел, октябрь) ойларида 14 соатни, ноўсув даврида эса (ноябрь, март) ойларида 12:35 ни ташкил қилди. (1-расм).

Иссиқхонада энг юқори ҳарорат ўсув даврининг апрель ва май ойларида кузатилди. Бу ойлардаги суткалик ўртача ҳарорат $24,6-30,0^{\circ}\text{C}$ бўлганлиги кузатилди, нисбатан паст ҳарорат ноябрь ($17,0^{\circ}\text{C}$) декабрь ($18,6^{\circ}\text{C}$), январь ($17,6^{\circ}\text{C}$) ойларида тўғри келди.

Иссиқхонадаги апрель, октябрь ойларидаги ўртача ҳарорат ($22,4^{\circ}\text{C}$), ноябрь, март ойларидаги ҳарорат эса ўртача $18,8^{\circ}\text{C}$) ни ташкил қилди. Ташқаридаги ҳаво ҳароратининг энг юқори кўрсаткичлари май ойида ($28,0^{\circ}\text{C}$) ва апрель ($24,1^{\circ}\text{C}$) ойларида кузатилди, паст ҳарорат эса ноябрь ($5,3^{\circ}\text{C}$), декабрь ($6,0^{\circ}\text{C}$), январь ($6,1^{\circ}\text{C}$), февраль ($10,5^{\circ}\text{C}$) ойларида қайд қилинди, ўсув давридаги ўртача ҳарорат ($14,6^{\circ}\text{C}$) дан иборат бўлди. Бу кўрсаткичлар иссиқхона ҳароратларига нисбатан анча пастдир. Ташқаридаги ўртача йиллик ҳарорат иссиқхона ҳароратига нисбатан ($6,6^{\circ}\text{C}$) камдир. (2-расм).


Иссиқхонадаги ҳаво нисбий намлигининг энг паст кўрсаткичи ўсув давридаги сентябрь ва май ойларида қайд қилинди ($30,0-45\%$) юқори нисбий намлик эса ноябрь ($67,9\%$) декабрь ($60,7\%$) ва январь ($63,5\%$) ойларида бўлди ёки мавсумий нисбий намлик ўртача $45,1\%$ ни ташкил қилди. (3-расм).




1-Расм. Тошкент вилояти шароитида куннинг узунлиги, соат, йил давомида

Умуман Тошкент вилояти шароитида куннинг узунлиги, иссиқхона ҳаво ҳароратини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, куннинг узунлиги (ўртача йиллик 12:35 соат), иссиқхона ҳарорати ўртача мавсумий ($21,4^{\circ}\text{C}$), куз ва баҳор ойларида ўртача (IV-X) - $26,2^{\circ}\text{C}$, қиш ойларида эса ўртача (XI-II)- $19,4^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилди.

Иссиқхонадаги мавсумий ҳавонинг нисбий намлиги ўртача 45,1% ни, куз ва баҳор ойларида (IV-X)-40,8 %, қиш ойларида (XI-II)-50,6 % дан иборат бўлди. Юқорида келтирилган гидропоника иссиқхонасида ҳаво ҳарорати ва унинг нисбий намлиги помидор етиштириш учун тўлиқ мос келди.



2-Расм. Ташқари ва иссиқхона ҳаво ҳарорати, йил давомида (2017й).



3-Расм. Иссиқхона шароитида ҳавонинг нисбий намлиги, %, йил давомида

Диссертациянинг “Гидропоника шароитида етиштирилган помидорга сарфланган минерал ўғитлар меъёрлари” деб номланган тўртинчи бобида гидропоника шароитида етиштириладиган помидор ва бошқа барча сабзавот экинлари бутун мавсум давомида фақат минерал ўғитлар ҳисобига озиклантириб борилади ва шу минерал ўғитлар ҳисобига ўсиб ривожланади ҳамда ҳосил беради. Тажрибада бутун мавсум давомида (9 ой IX-V) сарфланган макро ва микро ўғитлар меъёрлари доимий равишда аниқлаб борилади. Келтирилган илмий маълумотлар шуни кўрсатдики, гидропоника шароитида етиштирилган помидор кўчатларига мавсум давомида назорат вариантыда йиллар бўйича 13367-15192 кг/га, тажриба вариантларида эса 14394-15998 кг/га макро ўғитлар ҳамда 29,707-33,756 кг/га (физик ҳолда) микро ўғитлар сарфланганлиги аниқланди.

Талаб қилинган минерал ўғитларнинг ойлар бўйича сарфланиши 4- ва 5-расмларда келтирилган. Ушбу маълумотлардан маълум бўлдики, гидропоника шароитида етиштирилган помидор кўчатлари учун барча ўғитлар сарфи помидорнинг ўсув фазаларига ва йил фаслларига боғлиқ ҳолда бўлди. Помидорнинг дастлабки ўсув фазалари яъни кўчат ўтқозишдан гуллашгача бўлган даврларда (IX-X ойларда) нисбатан кам ўғитлар сарфланди. Шу даврда сарфланган макро ўғитлар меъёри 1372-1546 кг/га. ни ташкил қилди.

Помидорни гуллаш, мева тугиш ва пишиб етилиш давриларида эса ўғитлар сарфи ошиб борди.

Тажрибада фойдаланилган макро ва микро ўғитлар турлар бўйича сарфланиши таҳлил қилинганида, маълум бўлдики, иккала вариантда ҳам энг кўп сарфланган макро ўғитлардан CaNO_3 бўлиб, бу ўғит мавсум давомида ўртача 3 йиллик тадқиқот давомида 5577-6500 кг/га. ни ташкил қилди. Кейинги ўринда KNO_3 4311-4650 кг/га, 3 ўринда MgSO_4 бўлди 2834-2925 кг/га.


Энг кам талаб қилинган ўғит (назорат вариантыда) МРК (монофосфаткалий) - 834 кг/га, (тажриба варианты) $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ карбамид 455 кг/га, аммофос 975 кг/га ўғитлари бўлди.

Микро ўғитларни сарфланиши бўйича олинган маълумотларни (6 диаграмма) таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, иккала вариантда ҳам мавсум давомида энг кўп сарфланган микро ўғит ZnSO_4 (рух) бўлиб, унинг сарфи 11,329 кг/га ни ташкил қилди. H_3BO_2 (бор) ва MnSO_4 (марганец) эса ўртача 10,0 кг/га дан иборат бўлди. Энг кам сарфланган микро ўғит CuSO_4 (мис) бўлиб, унинг мавсумдаги сарфи 1,440 кг/га дан ошмади.


Тажрибада ўрганилган гидропоника материалларига боғлиқ ҳолда ҳар бир туп ўсимлик ўзлаштирган макро ўғитлар меъёрларини аниқлашда бир туб ўсимлик учун мавсум давомида сарфланган микро ўғитлар меъёрлари, оқова суви орқали чиқиб кетаётган ўғитлар меъёрлари ва мавсум охирида гидропоника материалларида тўпланиб қолган ўғитлар ҳисобга олинди ва ҳар бир туп ўсимлик томонидан ўзлаштирилган микро ўғитлар меъёрлари аниқланди. Олинган натижалар 1- жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўринадик, бир туп помидор томонидан ўзлаштирилган

макро ўғитлар меъёрлари иккала шароитда ҳам шағал ва прелит доначаларида бошқа вариантларга нисбатан кўпроқ ўзлаштирган.

Нов идишдаги материалларда ўстирилган помидор кўчатларини плёнкага ўралган материаллардаги помидор кўчатларга таққослаганда бир туп помидор томонидан ўғитларнинг ўзлаштирилиши барча вариантларда нисбатан юқори бўлди. Плёнка билан ўралган материалларда буғланиш, гидропоника материалларида мўътадил намлик тартиби вужудга келганлиги билан изоҳланади.



4-Расм. Макро ўғитларнинг ойлар бўйича тақсимланиши, кг/га



5-Расм. Микро ўғитларнинг ойлар бўйича тақсимланиши, кг/га

**Тажрибада гидропоника материалларига боғлиқ ҳолда бир туп помидорнинг макро ўғитларни ўзлаштириш меъёри, г.
(ўртача 3 йиллик)**

№	Гидропоника материаллари	Мавсум давомида бир туп помидорга берилган ўғитлар, г.	Оқова суви орқали сарфланган ўғитлар, г.	Гидропоника материалларига тўпланган ўғитлар, г.	Ўсимлик ўзлаштирган ўғитлар, г.
Нов идишлардаги					
1	Кокос (назорат)	461	68	122	270
2	Шағал	518	164	41	313
3	Вермокулит	518	139	82	297
4	Прелит доначаси	518	118	79	321
5	Прелит толаси	518	95	114	309
6	Опилка+гўнг	518	97	109	312
Полиэтилен плёнкага ўралган					
1	Кокос (назорат)	461	81	95	285
2	Шағал	518	138	25	355
3	Вермокулит	518	114	66	338
4	Прелит доначаси	518	130	34	354
5	Прелит толаси	518	103	79	336
6	Опилка+гўнг	518	107	61	350

Диссертациянинг “Гидропоника шароитида етиштирилган помидорнинг суғориш тартиблари” деб номланувчи бешинчи бобда гидропоника шароитида помидор етиштириш учун мавсум давомида сарфланган сув миқдори, суғориш сони ва бир туп ўсимликнинг турли гидропоника материалларидаги сув истеъмоли ўрганилди.

Тажриба майдонида сув сарфини аниқлашда Корея технологиясида қўлланиладиган компьютерларнинг иш дастуридан ва сув ўлчаш жиҳозларидан фойдаланилди. Суғоришлар сони ва меъёри помидорнинг талабидан келиб чиққан ҳолда гидропоника материаллари кокос (1- вариант) даги намлик миқдори 65-80 % (материалнинг тўлиқ нам сиғимига нисбатан) ҳисобида белгиланди.

Тажриба натижасида олинган илмий маълумотлар 2- жадвал ва 6, 7- расмларда келтирилган. Келтирилган 2-жадвал маълумотларининг кўрсатишича гидропоника шароитида етиштирилган помидорни мавсум давомида (9-ой сентябрь, май), сарфланган сув миқдори помидорни ўсиш фазаларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борди. Назорат вариантыдаги ўсимликнинг дастлабки фазасида яъни сентябрда 351-363 м³/га сув сарфланди, октябрь-ноябрь ойларида эса сув сарфи бир мунча юқори бўлди, 381-386 м³/га. Қолган ойларда, яъни помидор пиша бошлагандан ўсув даврининг охиригача сув сарфи ойлар бўйича 416-516 м³/га. ни ташкил қилди. Кунлик суғориш

сони помидорни дастлабки ўсув фазасида 4 марта, қиш ойларида (декабрь, январь, февраль) 5-6 марта ва баҳор ойларида эса 6-7 мартани ташкил қилди.


Кунлик суғориш меъёрлари 11,3-16,4 м³/га, бир марталик суғориш меъёрлари ҳам ўсув даври талабига боғлиқ ҳолда бўлиб, 2,45-3,2 м³/га. ни ташкил қилди. Ҳар бир томчилатгичдан тушадиган сув миқдори 0,376-0,550 л/кун ва ҳар галги суғоришларда эса 0,080-0,100 л. дан иборат бўлди.

2-жадвал

Гидропоника шароитида етиштириладиган помидорни суғориш меъёрлари (ўртача 3 йиллик)

Кўрсаткичлар	Ойлар								
	IX	X	XI	XII	I	II	III	IV	V
Бир марталик суғориш меъёри, м ³ /га	2,83	3,2	3,2	2,8	2,8	2,45	2,45	2,63	2,73
Кунлик суғориш сони	4	4	4	5	5	6	6	7	7
Битта томчилатгичнинг ўртача сув сарфи л/кун	0,376	0,430	0,420	0,470	0,470	0,500	0,470	0,526	0,550


Юқорида келтирилган кунлик суғориш меъёрларини (11,3-16,4 м³/га) ва ҳар галги суғоришлар меъёрларини (2,45-3,2 м³/га), томчилатиб суғориш тизими орқали 4-7 мартагача бўлиб бериш, гидропоника материалларида тарқалган ўсимлик илдизига томчилар сифатида етиб, уни доимий равишда намлаб турилишини ва помидорни меъёрида ўсиб, ривожланишини таъминлади.



6-Расм. Гидропоника шароитида етиштирилган помидорни мавсумий суғориш меъёри, м³/га

Гидропоника шароитида етиштирилган помидорни мавсумий суғориш меъёрлари назорат ва тажриба вариантларида бир-бирига яқин бўлиб, уларнинг йиллар бўйича миқдори 3202-4452 м³/га. ни ташкил қилди.

Нисбий сув сарфи (1 центнер ҳосил олиш учун сарфланган сув миқдори) эса 1,66-2,2 ц/м³дан иборат бўлди. Бу кўрсаткич оддий иссиқхоналарда етиштирилган помидорнинг нисбий сув сарфига нисбатан 4,0 баробар камдир. (7-расм).



7-Расм. Гидропоника шароитида етиштирилган помидорнинг нисбий сув сарфи, ц/м³

Диссертациянинг **“Тажриба майдонида помидорнинг ҳосилдорлиги”** деб номланган олтинчи бобда тажриба майдонида гидропоника материалларида етиштирилган помидор ҳосили пишиб етилиш даври давомида теримлар бўйича ҳар бир ўсимликда алоҳида аниқлаб борилди. Аниқлаш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, бутун мавсум давомида тажрибанинг иккала шароитида ҳам (нов идишларда ва полиэтилен плёнкаларга ўралган гидропоника материалларида) 1 ва 5, 6 вариантларида, яъни кокос қипиғида (назорат 1 вариант), прелит толасида (5- вариант) ва опилка +гўнг (6- вариант) нисбатан кўп ҳосил олинган. Бу вариантларда ўртача ҳосилдорлик нов идишларга экилган помидорларда 17,6-19,0 кг/м², полиэтилен плёнкаларга ўралган материалларда эса 19,3-19,7 кг/м² ҳосил бўлди.

Тажрибада нисбатан кам ҳосилдорлик шағал (2- вариант), прелит доначаларида (4 вариант) гидропоника материалларининг ғоваклиги катта бўлиб, уларнинг сув сиғими нисбатан паст, ўсимликга берилган сув ва озиканинг 70-75% дан фойдаланади, қолган қисми эса материалдан ташқарига - оковага ва буғланишга сарфланади.

3-жадвал

Гидропоника шароитида ўстирилган помидорнинг ҳосилдорлиги ўртача (бир туп ўсимликда, кг), (ўртача 3 йиллик)

№ Вариантлар	Материаллар	Такрорланишлар			Ўртача
		I	II	III	
Нов идишларда					
1	Коскос (назорат)	19,0	18,6	18,8	18,8
2	Шағал	14,1	13,3	13,8	13,7
3	Вермокулит	15,0	14,5	15,3	14,9
4	Прелит доначалари	15,0	14,6	14,8	14,8
5	Прелит толаси	19,5	18,8	18,8	19,0
6	Опилка+гўнг	17,0	17,8	18,2	17,6
НСР		ЭКМФ _{0,5-0,8} кг/м ² ЭКМФ _{0,5-4,9} %			
Полиэтилен плёнкага ўралган					
1	Коскос (назорат)	19,3	19,2	19,3	19,3
2	Шағал	12,7	12,5	13,4	12,8
3	Вермокулит	16,7	16,4	17,7	16,9
4	Прелит доначалари	17,2	17,3	17,4	17,3
5	Прелит толаси	19,7	19,8	19,7	19,7
6	Опилка+гўнг	19,6	19,7	20,0	19,7
НСР		ЭКМФ _{0,5-0,85} кг/м ² ЭКМФ _{0,5-4,82} %			

Гидропоника шароитида етиштирилган помидор ҳосилдорлиги гидропоника шароитида помидорни прелит толаси (5- вариант) ёки опилка+гўнг (6- вариант) аралашмаси материалларини плёнкага ўраб фойдаланиш 19,3-19,7 кг/м² ҳосил олишни таъминлади.

ХУЛОСАЛАР

“Ўзбекистон шароитида гидропоника усулида помидор етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусида олиб борилган тажриба натижаларига асосланиб қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин.

1. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлардан асосий эритма тайёрлаш учун, ўғитларни сувда эрувчанлигига ва ўзаро реакцияга киришиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда 3 та идишга тақсимлаш, бунда А бочкага CaNO₃ ўғитидан 90 кг, CO(NH₂)₂ (карбомид) ўғитидан 7 кг, темирдан (Fe) 700 г. солиш, Б бочкага MgSO₄ ўғитидан 45 кг, KSO₄ ўғитидан 70 кг, NH₄H₂PO₄ (аммофос) ўғитидан 15 кг, микро ўғитлардан – бор 150 г, рух 150 г, мис 20 г,

марганец 171 г, С бочкага эса нитрат кислота (HNO_3) дан 7,5-8 л. солиш керак.

2. Асосий эритмани ишчи эритмага ўтказиш учун сув билан 1:10 нисбатда аралаштириш ва ҳосил бўлган ишчи эритма концентрацияси ES бўйича 2,40-2,70, pH бўйича 5,5-6,5 бўлиши керак.

3. Жорий мавсумда (2015-2017 йй.) гидропоника шароитида помидор етиштириш учун мавсум давомида тажриба йиллари бўйича 14394-15998 кг/га макро ва 29,707-33,756 кг микро ўғитлар сарфланди.

4. Гидропоника материаллари сифатида прелит толаси ёки опилка+гўнгдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5. Гидропоника материалларидаги суғоришлардан олдинги намлик миқдори 70% (тўлиқ нам сизимига нисбатан) дан кам бўлмаслиги керак.

6. Гидропоника шароитида етиштирилган помидорни мавсум давомида ўртача кунлик суғоришлар сони 4-7 марта, мавсумий суғориш меъёри 3829-3936 м³/га ни, тажрибада ҳар бир ўсимлик учун сарфланган кунлик сув миқдори ўртача 0,350-0,425 л.ни ташкил қилди.

7. Гидропоника материалларида минерал тузларнинг тўпланиб қолишини олдини олиш учун, берилаётган сувнинг 15-30 % ни оқовага чиқариш зарур.

8. Гидропоника шароитида ўстирилган помидорнинг гуллаш фазасида бериладиган сувли ишчи эритманинг концентрацияси ES бўйича 1,7-1,8 dm/m, pH 6,0, гуллаш-мева тугиш ва пишиш даврларида 2,5 dm/m, pH 6,0 бўлиши керак.

9. Гидропоника материалларидан қайта фойдаланиш мақсадида мавсум давомида тўпланган туз қолдиқларини рухсат этилган миқдоргача (ES бўйича 1,8 dm/m ва pH 7,0 гача) ювиш учун 4 марта, жами 14 л. сув билан 1- ювишда 6 л, 2- ювишда 3 л, 3- ювишда 2 л, 4- ювишда 2 л ювиш талаб қилинди.

10. Гидропоника шароитида энг узун пояли ва кўп шодали помидор кўчати тажрибанинг плёнкага ўралган прелит толаси ва опилка+гўнг гидропоника материалларида (5, 6- вариантларда) кузатилди, бунда поя узунлиги 634-624 см, шодалар сони 12,5-12,0 донани ташкил қилди.

11. Тажрибада помидорнинг мавсум давомидаги жадал ўсиш ва ривожланиши сентябрь-ноябрь ва март-май ойларига нисбатан секин ўсиш ва ривожланиши декабрь ойининг охириги ўн кунлигида ва январь, февраль ойларига тўғри келиши аниқланди.

12. Гидропоника шароитида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ўғитлар меъёрлари қўлланилиб, прелит толаси ёки опилка+гўнг (50x50) аралашмаси материалларини полиэтилен плёнкасига ўраб фойдаланиш помидордан 19,3-19,7 кг/м² ҳосил олишни таъминлади.

13. Гидропоника усули билан помидор етиштиришда энг кўп соф фойда тажрибанинг 5 ва 6- вариантларида (прелит толаси ва опилка+гўнг) олинди 249-579 млн сўм/га, шу вариантларда етиштирилган помидорнинг таннарни 1951-3960 сўм/кг бўлди.

14. Тажриба натижалари бўйича гидропоника усули билан помидор етиштиришнинг автоматик бошқарув тизимини яратиш мақсадида

технологиянинг 23 та элементи бўйича 3 қисмдан иборат (меъёрий маълумотлар, мавсумий маълумотлар ва тезкор-ўзгарувчан маълумотлар) дастлабки модел маълумотлари ишлаб чиқилди.

15. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган минерал ўғитлардан асосий эритма тайёрлаш учун, ўғитларни сувда эрувчанлигига ва ўзаро реакцияга киришиш ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда 3 қисмга бўлиб, уларни алоҳида 100 л. сувда эритиш, бунда А бочкага CaNO_3 ўғитидан 90 кг, $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ (карбомид) ўғитидан 7 кг, темирдан (Fe) 700 г солиш, Б бочкага MgSO_4 ўғитидан 45 кг, KSO_4 ўғитидан 70 кг, $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$ (аммофос) ўғитидан 15 кг, микро ўғитлардан – бор 150 г, рух 150 г, мис 20 г, марганец 171 г, С бочкага эса нитрат кислота (HNO_3) дан 7,5-8 л. солиш керак (эритмани NO_3 билан бойитиш ва рН ни тўғрилаш учун).

16. Асосий эритмани ишчи эритмага ўтказиш учун сув билан (1:10 нисбатда) аралаштиришда ҳосил бўлган ишчи эритма концентрацияси ЕС бўйича 2,40-2,70, рН бўйича 5,5-6,5 бўлиши керак.

17. Гидропоника шароитида етиштирилган помидорнинг мавсум давомидаги ўртача кунлик суғоришлар сони 4-7 мартани, мавсумий суғориш меъёри 3829м³/га. Ҳар бир ўсимлик учун сарфланадиган кунлик сув миқдори ўртача 0,350-0,425 л. дан ошмаслиги зарур.

18. Гидропоника шароитида ўстирилган помидорнинг гуллаш фазасида бериладиган ишчи эритманинг концентрацияси ЕС бўйича 1,7-1,8 dm/m, рН 6,0, гуллаш-мева тугиш ва пишиш даврларида 2,5 dm/m, рН 6,0 бўлиши керак.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕННЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

НИЗОМОВА МАХСУДА УСМОНКУЛОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ТОМАТА МЕТОДОМ
ГИДРОПОНИКИ В УСЛОВИЯХ УЗБЕКИСТАНА**

06.01.02-Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.Ph.D/Qx9

Диссертация выполнена в Ташкентской Государственный аграрный университет (ТошДАУ)

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб- странице по адресу www.cottonagro.uz и на Информационного образовательном портале “ZiyoNet” по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: **Шамсиев Акмал Садирдинович**
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты: **Исаев Собиржон Хусанбоевич**
доктор сельскохозяйственных наук

Ниязалиев Бегали Ирисолиевич
доктор сельскохозяйственных наук

Ведущая организация: Андижанский сельскохозяйственный институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2017 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.:(+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail:g/selek@qsxv.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована № ____). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Аккавак, ул. УзПИТИ, Тел.:(+99895) 142-22-35; факс: (99871) 150-61-37; e-mail:g/selek@qsxv.uz

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2017 года).

Ш.Ж.Тешаев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

Ф.М.Хасанова
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.с.х.н.,
старший научный сотрудник

Ж.Х.Ахмедов
Председатель научного семинара по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
старший научный сотрудник

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Самый популярный на сегодняшний день в мире овощ – помидоры – выращивается на площади 3,0 млн. га, а его средняя урожайность составляет 90-100 т/га в открытых условиях сельскохозяйственных полей, 180-200 т/га – в теплицах и 250-350 т/га – при выращивании методом гидропоники. Для бесперебойного обеспечения населения спелыми помидорами во всем мире в течение всего года, помимо их выращивания на открытых площадях, широко применяется выращивание помидоров в теплицах методом гидропоники, управляемое современными, полностью автоматизированными, специальными компьютерными программами.

В таких странах, как Китай, Нидерланды, Турция, Южная Корея и Израиль, целый ряд сельскохозяйственных культур выращивается методом гидропоники в беспочвенных условиях, в специально оборудованной среде с применением растворённых в воде питательных веществ. В этих условиях искусственно создаются все важные для роста и развития растений факторы, такие как температура воздуха, влажность, тепло, свет, углекислый газ, чистая вода, макро и микроэлементы. В результате, в растениях активируется процесс фотосинтеза, происходит накопление многих органических веществ, что приводит к быстрому росту и развитию растений и богатым урожаям. Следовательно, весьма актуальными являются исследования по применению удобрений, производимых отечественной промышленностью, различных препаратов, оборудования по капельному орошению, а также гидропонных материалов, применяемых при выращивании овощей в экспериментальных теплицах методом гидропоники в условиях нашей страны.

В последние годы в Узбекистане были инициированы комплексные мероприятия по увеличению объемов выращивания помидоров, являющихся наиболее употребляемой в пищу овощной культурой, и по обеспечению бесперебойного снабжения населения этим продуктом. В результате была улучшена технология их выращивания в открытых условиях и в парниках, что позволило получать более высокие и высококачественные урожаи. Однако, при этом недостаточное внимание уделялось исследованиям по разработке технологии выращивания помидоров методом гидропоники, являющейся водо- и ресурсосберегающей, экологически чистой технологией. «... оптимизация структуры и состава посевных культур, внедрение передовых агротехнологий и повышение урожайности, а также увеличение выращивания экологически чистых фруктов и овощей», указанные в Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. являются важными стратегическими задачами. В этой связи, важное значение приобретают научные исследования, направленные на повышение эффективности использования капельного орошения, удобрений, производимых отечественной промышленностью, средств защиты растений, поддержки использования препаратов для выращивания овощных культур, в том числе помидоров, методом гидропоники в условиях теплиц.

